

Нубувватнинг вазифаси



14:00 / 20.12.2022 2004

Нубувватнинг вазифасини ва анбиёлар амалининг табиатини баён қилиш учун бир мисол келтираман. Ундан фалсафий далилларсиз ҳам нубувватнинг вазифасини ва ўрнини тушуниб оламиз.

Ҳикоя қилинишича, бир гуруҳ талабалар денгизда сайр қилиш учун кемага минибдилар. Уларнинг ўзлари тетик, вақтлари кўп эди. Умрида дарс ўқимаган уммий кемачи ҳазил-мутойиба, қочирим гап қилиб кулиш учун яхши ҳадаф (нишон) эди.

Талабалардан бири унга: «Амаки, қайси илмларни ўргангансиз?» деди.

«Ҳеч нарса ўргана олмадим, болам», деди кемачи.

«Табиий илмларни ўрганмаганмисиз?» деди толиб.

«Йўқ. Улар ҳақида эшитмаганман ҳам», деди кемачи.

Шунда бошқа бир толиб гапга аралашиб: «Математика, алгебраларни ўқигандирсиз?» деди.

«Тўғриси, бу ғалати номларни биринчи марта эшитиб турибман», деб жавоб берди кемачи.

Учинчи бир шўхроқ толиб: «Ишончим комилки, жўғрофия билан тарихни ҳам қотириб ўқиб қўйгансиз-а?» деди.

Кемачи унга қараб: «Бу шаҳарнинг номими, одамнингми?» деди. Шу ерга келганда ёшлар ўзларини тута олмай, кулиб юборишди. Уларнинг қаҳқаҳаси атрофга тарқалди.

«Ёшингиз нечада?» дейишди кулиб бўлиб.

«Қирққа кириб қолдим», деди у.

«Умрингизнинг тенг ярмини зое қилибсиз-да, амаки!» дейишди ёшлар. Саводсиз кемачи маъюс ҳолда жим қолди. У ўз навбатини кутарди.

Бирдан денгиз тўлқинланиб, довул бошланди. Кучли тўлқин келиб, кемага урила бошлади. Кема қаттиқ чайқалиб, тўлқинлар уни ютиб юборгудек бўлиб, оғизларини очиб ҳамла қила бошлади. Ёшлар изтиробга тушдилар. Улар денгизга биринчи марта чиққан эдилар. Кема фарқ бўлиши муқаррар бўлиб қолди.

Энди саводсиз кемачининг навбати келган эди. У хотиржамлик ва виқор билан: «Ҳа, болалар! Қандай илмларни ўрганган эдингиз?» деди.

Ёшлар ўзлари ўрганган илмларнинг узундан-узоқ рўйхатини айта кетишди. Аммо улар кемачининг мақсадини англашмас эди. Улар кўплаб номи улуғ илмларнинг исмларини санаб бўлишганидан кейин кемачи виқор билан ғолибона гердайиб шундай деди: «Болаларим, бу илмларни-ку ўрганибсиз. Лекин сузишни ҳам ўргандингизми? Худо кўрсатмасин, агар кема ағдарилиб кетадиган бўлса, соҳилгача қандай қилиб сузиб боришни биласизми?»

«Йўқ! Биз ўрганмаган ягона илм шу экан», дейишди толиблар.

Бу гапни эшитиб, кемачи маза қилиб кулди-да: «Агар мен умримнинг ярмини зое кетказган бўлсам, сизлар умрингизнинг ҳаммасини қўлдан берибсизлар, чунки мана бу тўфонда ўша илмларингиз сизга ёрдам бера олмайди. Сизларга фойда берадиган ягона илм сузиш илмидир. Уни эса сизлар билмайсизлар», деди.

Фарқ бўлиш ҳолига келиб қолган инсониятни қутқаришда нубувватнинг вазифаси ва ўрни ана шундан иборат. Анбиё ва расуллар амалидаги табиатнинг бошқа таълим-тарбиялардан фарқ қиладиган жойи ҳам шунда. Улар башариятга «нажот илми»ни берурлар. Улар башариятга сузишни ва ҳаёт кемасини бошқаришни ўргатурлар.

Инсоният тарихи кўрсатадики, одамлар ахлоқининг бузилиши ва ёмон ишлари туфайли ҳаёт кемаси фарқ бўлганда, у билан қўшилиб барча башарият, цивилизация, фикрий, илмий, фалсафий маҳсуллар, шунингдек,

барча шеърӣ, адабий ва баёний дурдоналар ҳам биргаликда ғарқ бўлади. Ушбу кема ҳеч қачон адабий тушкунлик туфайли ғарқ бўлган эмас. Мадраса ёки дорилфунунларнинг озлигидан ғарқ бўлган эмас. Олий таълимнинг йўқлигидан ғарқ бўлган эмас. Ёки молу дунёнинг озлигидан, турмуш савиясининг пастлигидан ғарқ бўлган эмас. Бу кема инсон ўзини ўзи ўлдиришга тайёрлангани учун, ўзи яшаётган уйни бузувчи чўқморга айлангани учун ғарқ бўлган. Тарих инсон ақлининг кўпинча асабий хуружларга учраб, яратувчилик ўрнига бузғунчилик, барпо қилиш ўрнига йўқ қилиш йўлига кириб кетганига далолат қилади.

Ғарбпарастларнинг ҳайрат ва даҳшатга тушганларини кўрдик. Биз ҳолатнинг хунуклиги ва ишнинг ёмонлигидан ишонгимиз келмаса ҳам, одамларнинг шавқу завқ билан ўз асосларини бузаётганларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳолбуки, худди ўша асосга уларнинг улуғ фикрий ва маданий қасрлари бино қилинган эди. Ўша нобакорлар бу аҳмоқона ишларини худди оламшумул яхшилик қилаётгандек, ажойиб хизмат адо этаётгандек ихлос билан бажарар эдилар. Бу билан улар ўзларини ўзлари ўлим чоҳига тортар эдилар.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди